

## ПУЛ-КРЕДИТ СИЁСАТИ БЎЙИЧА МАЪЛУМОТ БЕРИЛДИ

Элбоши Нурсултан Назарбаев Миллий Банк раиси Ербўлат Дўсаев билан учрашди.

Учрашув давомида Н. Назарбаевга пандемия шароитида жаҳон иқтисодиётининг ривожланиши ва Қозоғистоннинг савдо-иқтисодий ҳамкорлари бозорларидаги вазият бўйича таҳлиллар тақдим этилди.

Қозоғистоннинг Тўнғич Президентига валюта-молия бозоридаги мавжуд вазият ва мамлакатда пул-кредит сиёсатини амалга ошириш жараёни тўғрисида ҳам маълумот берилди.

– Молия бозоридаги вазият барқарор. Жорий йилнинг саккиз ойида пулнинг қадрсизланиши етти фоизга етди. Ушбу кўрсаткич бизнинг тахминларимизга мос. Биз базавий ставкани тўққиз фоиз даражасида ушлаб турдик, – деди Е. Дўсаев.

Elbasy.kz.

## ТАДБИРКОРЛАРГА ЯНГИ ИМКОНИАТЛАР

3

## ҲАЛОЛЛИК – ЖАННАТ МЕВАСИ ЭКАНИНИ УНУТМА...

6

## ...ОТА-ОНАЛАРИГА ЛАЪНАТ ОЛИБ КЕЛИШАРДИ

8

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

# Жанубий Қозоғистон



1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2020 йил 17 сентябрь, пайшанба. №82 (2857).

## АҲОЛИ БАНДЛИГИ МАСАЛАСИГА ЭЪТИБОР КУЧАЙТИРИЛАДИ

### ПРЕЗИДЕНТ БОШ ВАЗИР АСҚАР МАМИННИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Қасим-Жўмарт Тўқаев Бош вазирнинг жорий йил январь-август ойларида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий тараққий эттириш борасидаги ҳисоботини тинглади.



Бош вазирнинг таъкидлашича, саккиз ой давомида қайта ишлаш саноатидаги ўсиш 3,3 фоизга, шу жумладан, машинасозлик – 16,3 фоизга, транспорт воситаларини йиғиш – 51,8 фоизга, шунингдек, фармацевтика маҳсулотлари 34,1 фоизга, енгил саноат – 11 фоизга, кимё саноати – 3,1 фоизга ва тайёр металл буюмлари ишлаб чиқариш – 18,8 фоизга ўсган. 2020 йилда “Саноатлаштириш харитаси” бўйича умумий қиймати 996 миллиард тенгелик 206та лойиҳани ишга тушириш режалаштирилган. Бу ишлаб чиқариш ҳажмини 1,3 триллион тенге, экспорти 325 миллиард тенге ошириш ва 19 мингга яқин янги иш ўринларини яратиш имконини беради.

Қурилиш ҳажми 6,5 фоизга, фойдаланишга топширилган уйлар 6,4 фоизга ёки 8,1 миллион квадрат метрга ошди. Йил бошидан буён 71 минг янги уй қурилди, бу ўтган йилга нисбатан 8,6 фоизга кўпдир. Қишлоқ ҳўжалигида барқарор ўсиш 4,9 фоизни ташкил этди, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 3,6 фоизга ўсди.

Асқар Маминнинг сўзларига кўра, қўрилган чоралар натижасида ижтимоий аҳамиятга эга товарларнинг ўсишини 4,4 фоиз даражасида ушлаб туриш мумкин бўлди, бу ўтган йилга нисбатан икки баравар паст (8,7 фоиз).

Йил бошидан буён 874 минг киши давлат дастурлари асосида иш билан таъминланди, бу ўтган йилга нисбатан 82,1 фоизга кўпдир. Учрашув якунида Президент бандлик, бизнесни қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқариш жараёнларига янги технологияларни жорий этиш, эпидемиологик вазиятни барқарорлаштириш ва карантин талабларини босқичма-босқич юмшатиш муҳимлигини таъкидлади.

Akorda.kz.

## ИККИ ЭЛ ЎРТАСИДА ҲАМКОРЛИК ЎРНАТИЛДИ

Элчи коронавирус пандемияси даврида Ўзбекистон фуқароларининг ватанига қайтишига шароит яратган Қозоғистон Ҳукуматиغا миннатдорчилик билдирди.

У, шунингдек, икки мамлакат ўртасидаги юк айланими транзити ортиб келаётганини таъкидлаб ўтди. Ўтган йили товар айланими 3,3 млрд. АҚШ долларини ташкил этса, Қозоғистон

темир йўли билан ташилган юк транзит миқдори 9 млн. тоннага етди. 2020 йилнинг 7 ойида Қозоғистон ва Ўзбекистон ўртасида экспорт-импорт юк ташиш миқдори 5 млн. тоннага етиб, 2019 йилнинг шу даври билан таққослаганда 648,32 минг тоннага ортди.

“Егемен Қазақстан”



Кеча Ҳайфа шаҳрида буюк файласуф Абу Носир ал-Форобий таваллудининг 1150 йиллигига бағишланган ёдгорлик очилди, деб хабар берди Қозоғистон Ташқи ишлар вазирлигининг матбуот хизмати.



## ИСРОИЛДА АЛ-ФОРОБИЙ ЁДГОРЛИГИ

Қозоғистоннинг Исроилдаги элчиси Сатибалди Буршақов йиғилганларга ал-Форобийнинг буюк мероси ва унинг фалсафа, тиббиёт, ҳуқуқ, руҳшунослик, космология ва бошқа соҳалар ривожига қўшган ҳиссаси ҳақида сўзлаб берди. Шунингдек, С. Буршақов ёдгорликнинг очилиши икки мамлакат ўртасидаги маданий алоқаларни янада мустаҳкамлашга ёрдам беришини таъкидлади.

Тадбирдан сўнг элчи С. Буршақов Ҳайфа мэри Эйнат Калиш-Ротем билан учрашиб, Ҳайфа ва Қозоғистон шаҳарлари ўртасида биродарлик

муносабатларини ўрнатишга келишиб олишди.

Тадбирда шаҳар маъмурияти вакиллари, дипломатик корпус ва илмий гуруҳлар, Ҳайфада таҳсил олаётган қозоғистонлик талабалар иштирок этишди.

Ҳайфадаги араблар кварталида жойлашган Ал-Форобий кўчасига буюк файласуфнинг номи 1960 йилда берилган. У машҳур Баҳай боғлари ва Ҳайфа санъат музейи яқинидаги тарихий ҳудудда жойлашган. Унинг узунлиги 1,5 км.

ҚозАхборот.



Индустрия ва инфраструктураларни тараққий эттириш вазирлиги Бейбит Атамқулов Ўзбекистон Республикасининг Қозоғистон Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Саидкарим Ниёзхўжаев билан учрашди.

## ЭЛГА ХИЗМАТ – ОЛИЙ ҲИММАТ

Келгусида Қозоғистонда республика аҳамиятига эга йўллар бўйлаб 35та замонавий хизмат кўрсатиш мажмуалари қурилади.

Бу ҳақда ҚР Индустрия ва инфратузилмаларни ривожлантириш вазирлиги маълум қилди.

Таъкидланишича, ушбу лойиҳа Қозоғистон Президенти Қ. Тўқаевнинг жорий йилги Мактубида белгиланган вазифаларни бажариш доирасида амалга оширилган.

Шу билан бирга, ҚР Индустрия ва инфратузил-

маларни ривожлантириш вазирлиги тасарруфидаги «QazAvtoJol» ва «Compass» компанияси ўртасида йўл бўйи хизматларини ривожлантириш доирасида ҳамкорлик ва ўзаро ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди.

Мажмуаларда ёнилғи қуйиш шаҳобчаси, оғир юк машиналари ва автобуслар учун катта автотураргоҳ, товар ва транспорт эҳтиёт қисмларига эга Express Market бўлади.

Лойиҳа доирасида 4200 киши доимий иш билан таъминланади. Сармояларнинг умумий қиймати 30 млрд. тенгени ташкил этади.



## ЯНГИ КОРХОНАЛАР ОЧИЛАДИ



бош директори Т. Қидирбаев маълум қилди.

Унинг айтишича, “Бекзат” кичик туманидаги 40 гектар ерни эгаллаган индустриал минтақа келгусида 350 гектаргача кенгайди.

– Бутун дунёдаги каби бизда ҳам коронавирус тадбиркорлик соҳасига салбий таъсир этди. Карантин туфайли ишлаб турган корхоналар тўхтаб қолди, қурилиши керак бўлган янги иншоотлар қурилмай қолди. Лекин шунга қарамай, йил охирига қадар индустриявий минтақадаги иншоотларнинг ҳужжатларини рўйхатга олиш ишлари тугайди, – деди бош директор.

Айни пайтда саноат минтақасида ишлаётган ишчиларга қулай шароитлар яратилмоқда. Йўллар асфальтланмоқда, велоўлаклар қурилмоқда. Бундан ташқари, кичик футбол майдончаси ва теннис корти барпо этилади.

**Вилоят минтақавий коммуникациялар хизмати.**

Туркистон вилоятидаги Индустриал минтақада йил охиригача 2,6 млрд. тенгелик 7та лойиҳа амалга оширилади. Натижада янги 446та иш ўрини яратилади.

Бундай лойиҳалардан бири

“Turkestan Tekstil” тикувчилик фабрикаси бўлиб, унинг очилиш маросимида вилоят ҳокими Ў. Шўкеев шахсан қатнашди. Лойиҳанинг қиймати 415 млн. тенге. Буни “Turkestan” индустриал минтақаларнинг бошқарувчи компанияси



## 600 ОИЛА БОШПАНАЛИ БЎЛАДИ

Кентов шаҳридаги Ш. Уалиханов кўчаси бўйида ўтган йилдан бошлаб 60та хонадонли 10та кўп қаватли уй қурилмоқда. Ҳозир уларда қурилиш-пардозлаш ишлари юритилмоқда. Бошпана калитлари шаҳарнинг 65 йиллик тўйи тантанасида имконияти чекланганлар, кўп болали оилалар ва турли тоифа бўйича навбатда турганларга берилади.

– 600та квартирани уйларнинг умумий майдони 33240 квадрат метр. Уйларнинг ҳовлилари ободонлаштирилиб, болалар майдончалари қурилади, – деди шаҳар қурилиш бўлими мудирини Ерлан Алдибаев.

Шаҳарда, бундан ташқари, 5 қаватли 96та уйнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланган. Унинг қурилиши келгуси йилда бошланади.

**Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.**

## БУНЁДКОРГА ЭҲТИРОМ

Тулкибош тумани ҳокими Н. Байгут кўп йиллардан буён туман ҳудудидаги турли иншоотлар қурилишини юритиб, шу соҳада 38 йил давомида бутун куч-ғайратини сафарбар этган Мухтар Абдумаликули Ташеновни алоҳида қабул қилди ва Қозоғистон Республикаси Индустрия ва инфратузилмавий тараққиёт вазирлигининг “Ҳурматли қурувчи” кўкрак нишони билан тақдирлади.

– Қурилиш соҳаси ижтимоий ҳаётда мураккаб ва мажмуавий тармоқ. Шу сабабли қурувчилик ҳурматга сазовор, эъзозли ва обрўли касб. Тумандаги улкан бунёдкорликлар, қишлоқларимизнинг кўркам ва обод бўлишига ҳисса қўшаётган қурувчиларга ҳурматимиз чексиз, – деди туман раҳбари. – Уларнинг фаолияти вилоят, республика даражасида эътироф этилаётгани, албатта, бизни ҳам қувонтиради. Бугун замонавий ва барча қулайликларга эга бўлган, янгича кўринишдаги бинолар ва илғор усуллардаги қурилиш ишларидан фойдаланиш – давр талаби. Қурувчиларимиз доимо изланиб, янгиллик интилишлари зарур.

Мукофот эгаси меҳнатини тақдирлагани, кўрсатилган эътибор ва эҳтиром учун туман ҳокими-га миннатдорчилик билдирди.

**С. ШАРИФБОЕВА.**

## ЎЗЛАШТИРИЛМАГАН ЕР ҚАЙТАРИБ ОЛИНАДИ

Ўрдабоши туманида қишлоқ хўжалиги йўналишида ўзлаштирилмаган 2300,2 гектар ер давлатнинг ер жамғармасига қайтарилди.

Ушбу тадбирлар 2 йил давомида ўтказилган инвентаризация натижасида амалга оширилди. Ҳозирги кунда туман ҳокими Нурбўл Турашбеков тегишли соҳа мутахассисларига бу жараёни янада тезлаштиришни топширди. Туман раҳбарининг топшириғига кўра, Тўрткўл қишлоқ округидан давлат эҳтиёжи учун “Ғарбий Европа – Ғарбий Хитой” халқаро транспорт даҳлизига олинган ер участкаларига “ҚазАвтоЖол” ХЖнинг Туркистон вилояти филиали томонидан давлат мувофиқлаштириш ҳужжатлари расмийлаштирилди. Автомагистрални муҳофаза қилиш ҳудудига кирмаган ер участкаларини туманга қайтариш ишлари олиб борилди.

Бугунги кунда умумий майдони 11та ер участкасининг 131,4 гектар ўзлаштирилмагани аниқланди. Ердан фойдаланувчилар тегишли кўрсатмалар олиб, участкаларини 2 йил давомида ўзлаштирмаган бўлса, суд тартибида туман ер жамғармасига қайтарилиши ҳақида огоҳлантирилди.

**Вилоят минтақавий коммуникациялар хизмати.**

## ХАЙРИЯДАГИ ХАЙРЛИ ИШЛАР

Ўтрор туманида ўзгача хайрия челленжи бошланди. Узоқ йиллар хароба уйда яшаган бева аёлга кўнгилли ёшлар бошпана қуриб бердилар.

Кўксарайлик Есенкул Алибаеванинг шароити билан танишган 1995 йилда туғилган қишлоқ ёшлари уй пойдеворини қалашди. Улар эстафетани қишлоқдаги оға-иниларига йўллаган. Натижада хайрия тадбирида иштирок этмаган ёшлар қолмади.

Таъкидлаш жоизки, вилоятимизда “Ғамхўрлик” дастури давом этмоқда. Фақатгина Ўтрор туманида дастур доирасида 10 оила бошпанали бўлди, икки уй эса тўқис таъмирлаб берилди.

**Вилоят минтақавий коммуникациялар хизмати.**

## БАЛИҚЧИЛАР ТАЖРИБА АЛМАШДИ

“Товар балиқ хўжалигини ривожлантириш имкониятлари” мавзусида тажриба алмашиш семинари доирасида Қизилўрда вилояти делегацияси Келес туманида бўлди. Қизилўрда вилояти ҳокимининг ўринбосари Бахит Жаханов бошчилигидаги делегация ва балиқчилик билан шуғулланувчи бир гуруҳ тадбиркорлар тумандаги “Кўшим” хўжалигининг фаолияти билан танишишди.

Бугунги кунда Келес туманида 4та йирик балиқчилик хўжалиги мавжуд. Балиқ етиштириб, гўштини қайта ишлаш билан шуғулланувчи “Кўшим” хўжалиги фаолиятини бошлаганига бир йилдан ошди. У йилига 400 тонна маҳсулот етиштириш қувватига эга.

Қизилўрдаликларнинг айтишича, Орол денгизининг суви тортилиши натижасида балиқнинг табиий кўпайиши озайган. Шу сабабли, улар балиқни сунъий равишда кўпайтиришга бел боғлаган.

– Туркистон вилоятида 5 минг тоннадан зиёд балиқ етиштирилади. Ундаги хўжаликларни айланиб кўрдик. Мақсадимиз – сизларда амалга татбиқ этилаётган лойиҳаларни ўзимизда қўллаш, тажриба алмашиш, – деди Б. Жаханов.

**Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.**

## ШИФОХОНАДА БИРИКТИРИШ МАВСУМИ БОШЛАНДИ

Юртимиздаги тиббий-санитария бирламчи ёрдами ташкilotи саъй-ҳаракатлари билан аҳолининг ўзи истиқомат қиладиган минтақага қарашли шифохоналардан бирини танлаш эркинлиги мавсуми бошланди.

Бунинг учун фуқаролар 15 сентябрдан 15 ноябргача ўзлари танлаган шифохонада рўйхатдан ўтишлари керак. Шифокор рўйхатга олинган беморлар саломатлигини вақтида назорат қила олиши учун фуқаролар яшаш жойларига яқин жойлашган шифохоналарни танлагани маъқул.

– Тиббий муассасада рўйхатга олинган шахслар 2021 йилнинг 1 январидан бошлаб тиббий ёрдам ола бошлайди. Бунинг учун юқоридаги тиббий жамғарма билан суғурта шартномаси тузилган бўлиши керак. Мавсум тугагач, ташкилотларга бириктирилган фуқаролар сонига асосланиб маблағ ажратилади, – деди “Ижтимоий тиббий суғурта жамғармаси”нинг вилоят филиали раҳбари Лаура Сапарбекова.

Бириктириш жараёни бир неча усул билан амалга оширилади. Асосан, электрон ҳукумат-

нинг [www.e.gov.kz](http://www.e.gov.kz) веб-портали орқали бириктириш мумкин.

Ёки шифохонанинг ўзида рўйхатга олинса ҳам бўлади. Бу, кўпроқ нафақадорлар, ногиронлар, уларнинг васийлари, патронат тарбиячилар, колонияларда жазосини ўтаётган маҳбуслар, талаба ёшлар, ҳарбий хизматчилар, чет элларда туғилган болалар, ишончнома асосида рўйхатга олиш ишларини бажарадиган вакил шахсларга тааллуқли.

– Бугунги кунда вилоят бўйича порталда 1962881 одамнинг рўйхати бор. Улар жорий йилнинг 31 декабрига қадар ўзлари бириктирилган шифохоналарда даволаниш ҳуқуқига эга. Келаси йилдан бошлаб тиббий хизматларсиз қолиб кетмаслик учун электрон турда ёки шифохонанинг ўзида рўйхатдан ўтишлари зарур, – деди вилоят жамоат соғлигини сақлаш бошқармаси вакили Б. Ақбердиева.

**Вилоят минтақавий коммуникациялар хизмати.**



## ҚУРИЛИШ – ХАЛҚ НАЗОРАТИДА



#Халқ гуруҳи вакиллари Туркистон шаҳрида барпо этилаётган кўп қаватли уйлар қурилиш майдонига бориб, иш суръати ва сифати билан танишишди.

Сабаби, виллоят марказида яшашни ният қилган бошпаналар муҳтож кишилар, хизматчилар ва бошқалар янги уйларини сабрсизлик билан кутишмоқда.

Қад ростлаётган уйлардан бирининг қурилиши ўтган йили май ойида бошланган. Ушбу уйда 48та квартира бор. У бир, икки ва уч хонали. Пудратчилар қурилишни янги йилгача тамомлашни режалаштирган. Демак, бошпанасиз юрган, навбатини кутаётган фуқаролар уй тўйини нишонлашга оз фурсат қолди.

#Халқ гуруҳи уйлар қурилишининг сифати ва хавфсизлигига ҳам алоҳида эътибор қаратишди. Аммо, ишлар сифатли бажарилгани билан, даставвал инсон саломатлигини асосий ўринга қўйиб, техника хавфсизлигига риоя қилиб, махсус либослар кийиш лозимлигини иншоот пудратчиларига эслатишди.

“Жанубий Қозғоғистон” мухбири.

## ҲАМЮРТИМИЗ – ХАЛҚАРО КАСБИЙ ТАНЛОВДА

“WorldSkills” касбий маҳорат беллашув салоҳиятини намоён қилган. Бултур техника ва касбий таълим соҳасининг салоҳиятини намоён қилган танловнинг саралаш босқичида Кентов кўп соҳали коллежининг битирувчиси Талипхан Мақсат бўйи ва пардозлаш йўналиши бўйича бош совринни қўлга киритди.

Ўз ишининг ҳақиқий устаси эканлигини кўрсата олган Мақсат энди танловнинг халқаро босқичида иштирок этади. Ҳамюртимиз 2800дан зиёд иштирокчи орасида пешқадам бўлиш ниятида. Унинг халқаро танловда иштирок этишида Туркистон виллояти инсон салоҳиятини ривожлантириш бошқармаси қўллов кўрсатяпти.



## МАДАНИЯТ СОҲАСИГА ЭЪТИБОР

САЙРАМ ТУМАНИДА “АУЫЛ – ЕЛ БЕСИГІ”  
ЛОЙИХАСИ ДОИРАСИДА ҚАТОР  
ИНШОТЛАР ТУБДАН ТАЪМИРЛАНДИ



Туман марказидаги Қ. Жандарбеков номидаги Маданият уйи лойиҳа доирасида замонавий услубда қайта таъмирланди.

Яқинда фойдаланишга бериладиган иншоот табиий газ ускунаси ёрдамида иситилади.

Бундан ташқари лойиҳа доирасида Оксукент ва Манкент қишлоқларидаги биттадан таълим, маданият ва соғлиқни сақлаш муассасаси тубдан таъмирланди. Мазкур қишлоқлардаги 10та кўчада ҳам таъмирлаш ишлари қизгин юритилмоқда.

Давлат раҳбарининг Мақтубида белгиланган вазифаларни амалга ошириш доирасида туманда маданият соҳасига эътибор кучайтирилмоқда. Қуни кеча Сайрам туманига хизмат сафари билан борган виллоят ҳокимининг ўринбосари Сакен Қалқаманов ушбу қурилиш иншоотларидаги ишлар билан яқиндан танишди.

## ТАДБИРКОРЛАРГА ЯНГИ ИМКОНИАТЛАР

Виллоят ҳокими Ў. Шўкеевнинг топшириғига кўра Тулкибоша томчилатиб суғориш усулининг самарасини кўраётганлар анча. Ҳозирги пайтда тумандаги 31 уйда томчилатиб суғориш усули жорий этилган.

Шу жумладан, Жиланди аҳоли манзилида истиқомат қиладиган Гулбахира Айтбаева. “Натижалари бандлик ва оммавий тадбиркорликни ривожлантириш”нинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган дастури доирасида “томчилатиб суғориш усули” ва чорвачиликни ривожлантириш йўналишида 555 600 тенге грант олиб, мўъжазгина ҳовлисида фаолиятини бошла-

ган. Дастлаб, кўп болали оналарга ёрдам берилишини эшитган аёл хужжатларини жамлаб, ариза топширган.

Унинг айтишича, кредит олгандан буён оиланинг аҳволи анча яхшиланиб қолган. Мазкур маблағнинг 200 минг тенгесига томчилатиб суғориш ускунаси, қолганига эса сигир сотиб олган. Бугунги кунда 0,1 га. ерига жойлаштириб, унга карам, помидор, картошка, булғор қалампирини экиб, маҳсулотини қишга тайёрламоқда.

Соғилган сутни эса “Майликент-Сут” МЧБга ўтказиб даромад оляпти.

Виллоят минтақавий коммуникациялар хизмати.

## БЎРДОҚИЧИЛИК ЯНАДА РИВОЖЛАНАДИ

Шардара туманидаги “Ақарис” деҳқон хўжалиги 2017 йили ташкил топган. Ҳозир у ерда 80 бош йирик қорамол мавжуд. Бўрдоқчилик билан шуғулланадиган хўжалик раҳбари Рамазан Сайнановнинг айтишича, оилавий бизнесда 4 одам машғул. Ўртача ойлик – 70 минг тенге. Етиштирилган маҳсулот, асосан, туман ички бозори ва виллоятга чиқарилади.

Хўжаликнинг мол сўйиш жойи, ем-хашак тайёрлайдиган цехи бор. Чорвадор келажакда бу фаолиятни кенгайтириб, гўштга бўлган талабни қондиришда ўз улушини қўшиш ниятида.



## ИЗЧИЛ ИСЛОҲОТЛАР – ЮРТ РАВНАҚИГА

Президентимизнинг жорий йилги Мақтубида мамлакатимизнинг келажакдаги тараққиёт йўли аниқ белгилаб берилди. Жумладан, йилнинг муҳим ҳужжатида ихчам давлат дастурларига кўчиш жоизлигини алоҳида таъкидлади.

Дарҳақиқат ихчам лойиҳаларга кўчадиган пайт келди. Мураккаб ўзгаришлар давлат девони хизматини қайта кўриб чиқишни талаб этади. Шу билан бирга, Давлат раҳбари мансабдорларни жорий йил 10, келгуси йилда 15 фоизга қисқартиришни топширди.

Президентимиз Мақтубида жамоат бирлашмаларининг ролини оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратди.

Давлат раҳбари, диплом тарқатиш билан шуғулланаётган ўқув юртларининг тақдирини ҳал этишни топширди. Ёшлар рақобатбардош, билим соҳасида ўз ўрнига эга таълим муассасаларидагина таҳсил олишлари керак. Шундагина биз, рақобатбардош, билимли ёшларни тарбиялаб, вояга етказишга ўз улушимизни қўшган бўламиз.

Тельман БЕЙСЕН,

Х. А. Яссавий номидаги халқаро қозоқ-турк университети ахборот маркази директори.

## БОШПАНА МАСАЛАСИНИ ҚИСМАН ҲАЛ ҚИЛАДИ

2021 йилдан бошлаб 700 мингдан зиёд қозғоғистонлик нафақа жамғармасининг маълум қисмидан фойдалана олади. Буни Давлат раҳбари Қ. Тўқаев Парламентнинг қўшма мажлисида Қозғоғистон халқига йўллаган Мақтубида маълум қилди. Бу жуда тўғри қарор. Чунки, бошпана сотиб олиш жуда кўплаб қозғоғистонлик, айниқса, ёш оилалар учун оғир муаммодир.

Шунингдек, жамғарилган нафақанинг бир қисмини даволаниш ёки молиявий компаниялар бошқарувида йўналтириш мумкин. Бу – ўзимизнинг маблағимизни ўзимиз бошқара олишимизни аниқлади ва ўз навбатида ёшларни кўпроқ даромад топишга ундайди.

Давлат раҳбари мазкур ишни амалга ошириш учун Ҳукуматга Миллий банк билан ҳамкорликда йил охиригача ҳукукий-меъёрий ҳужжатларни тайёрлашни топширди.

Жансерик ЖУМАН,

Жас Отан ёшлар қаноти Туркистон виллоят филиали раиси.



## ЎТТИЗ УЧИНЧИ СЎЗ

Агарда сенга мол-дунё керак бўлса, ҳунар ўрган. Мол-дунё қўлнинг кири, ювса кетади. Аммо ҳунар – адо бўлмас бойликдир. Кимки ёлғон гапирмаса ва қўлида ҳалол ҳунари бўлса, қозоқларнинг ичидаги энг авлиёси шу! Бироқ Аллоҳ таоло қозоқларнинг қўлига оз-моз ҳунар берса – улар босар-тусар жойларини билмай қолишади. Аввало, малакамни оширай, ишларимни яхшилаб, излай, кўрай, ҳунар ўрганай демайди. Қўлидаги билган оздан овлоқ ҳунари билан мақтаниб: «Шу ҳам бўлади-да» деб қозоқларда мавжуд талабсизликка юз буриб кетади. Иккинчидан, эринмай меҳнат қилмоқ керак. Ҳолбуки, бизнинг қозоқлар бир-иккита мол топса, шу билан худди мол-дунёга ботиб, ғарқ бўлиб кетган кишидек, хотиржамликка берилиб, ялқов бўлиб қолади. Учтинчидан, биров-бировига: «Сен касбдошларинг ичида яққа ягонасисан», ёки: «Ака, сиздан нима кетади, мана бу нарсани қилиб берсангиз-чи?» деса, у: «Менга ҳам одамлар ялинадиган бўлиб қолибди-ку», деб ғурурланиб кетади ва шу билан ҳам ўзини, ҳам унга мурожаат қилган одамни алдаб, эсиз-эсиз вақтининг қандай ўтганини ҳам билмай қолади. Тўртинчидан, дўстингман деган одамларга хотамтой бўлиб кетади. Баъзи бир қув-шум одамлар: «дўст бўламиз» деб арзимаган нарсани бериб, алдаб: «Кейинчалик сени ундай қиламан, бундай қиламан, менинг сендан ўзга азиз дўстим йўқ» деса, лаққа тушиб, мен ҳам керакли одамларнинг бири бўлиб қолибман-ку, деб ўйлайди. Кейин, ким «тўрга чиқ» деса – шунга алданиб, ана шу одамга қил деганини қилиб, керагини топиб бераман, етмаганини етказаман, хушомад, дўстлик қиламан, деб юриб, бутун қимматли вақтидан, бисотидадан айрилади. Овқат, уст-бош топиш эсидан чиқиб кетади. Бориб-бориб, охир бир кун, кун кечирмоқ қийинлашгач, бировдан қарз кўтарари ва уни қилиб бераман, буни қилиб бераман, деб ўйли-тирилиб ҳаракат қилади-ю, барибир, бирон нарсанинг бошини қовуштиролмади. Кейинчалик бориб, топган-тутгани еган - ичганига етмай, иши дов-жанжалга айланиб, сарсон-саргардонликка тушади. Ниҳоят, одамгарчиликдан чиқиб, хорзор бўлади. Хўш, бунисига нима дейсиз? Ахир қозоқларнинг ўзи алдамчи бўла туриб, яна бировларга алдангани нимаси?

Носир ФОЗИЛОВ таржумаси.



## Nur Otan партияси праймеризига Кентов шаҳридан номзод Абдуллаев Нурсултон Фарҳод ўғлининг сайловолди дастури

### Таржимаи ҳоли

Абдуллаев Нурсултон Фарҳод ўғли 1989 йили 14 июлда Туркистон туманининг Югнак қишлоғида дунёга келди. 2006 йили ўрта мактабни тамомлаб, Шимкентдаги ижтимоий педагогика университетига ҳисоб ва аудит ихтисоси бўйича олиё маълумот олди. Меҳнат фаолиятини «Югнак» деҳқон хўжалигида бошлади. Ҳисобчи, кассир, бўлим мудирини бўлиб ишлади. Айни пайтда «Нур-Фарҳад» қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш ширкати, «Югнак» деҳқон хўжалиги раиси ҳамда «Сарана» болалар боғчаси муассиси.



### Овулим – олтин бешигим

Қишлоқда дунёга келиб, қишлоқ хўжалигининг сир-асрорларини ўрганиб ўсдим. Ёшлигимдан қишлоқ хўжалигини тараққий эттиришни мақсад тутдим. Айни пайтда давлатимизнинг қишлоқ хўжалигидаги майда хўжаликларни бирлаштириб, йириклаштиришга қаратилган сиёсатини амалга ошироқдаман. Қишлоқдаги 210та майда хўжаликни бирлаштириб, фаолият юритмоқдамиз. Барча хўжаликларга шудгордан бошлаб, ҳосилни йиғиб олгунга қадар ёрдам кўрсатамиз. Техника, ёнилғи, турли минерал ўғитлар, Ҳукумат томонидан тавсия этилган имтиёзлардан тўлиқ фойдаланишда ёрдам бераман. Қишлоғимиз аҳолиси 10623 нафар. 2124 одам ўзини-ўзи иш билан таъминлаган. Ишсизлар ҳам бор. Депутат бўлиб сайлансам, биринчи навбатда, қишлоқ округидаги мактабларни йил сайин битириб чиқётганлар рўйхатини олиб, қанчаси ўқимоқда, қанчаси иш билан таъминланган, кимлар турли сабаблар билан ишсизлигини аниқлаб, амалий чоралар кўрилишига, иш билан таъминлашга ҳаракат қиламан. Бунинг учун биринчи навбатда кўшни Қарноқ, Қорачиқ қишлоқларидаги каби насия биродарлигини ташкил этиб, тадбиркорлик билан шуғулланишга ихлоси бор ёшларни маблағ билан таъминлаб, тадбиркорликни ривожлантиришга шароит яратиш керак. Югнак, Чипон, Қизилйўл қишлоқларида бўш ётган далаларни сув билан таъминлаб, йилига икки марта ҳосил олишга эришиш, скважиналарни ишга тушириш орқали сув билан таъминлаш зарур деб ҳисоблайман. ҚР Президенти Қасим-Жўмарт Тўқаевнинг 1 сентябрдаги халққа Мактубида қишлоқ хўжалигида долзарб, экин суви тақчиллиги шароитида 40 фоизга яқин табиий сув манбалари исроф бўлаётгани ҳақида танқидий мулоҳазалар айтилди. Агар қишлоғимиздаги Алмасбай сув тўғони тартибга келтирилса, сувдан тўғри фойдаланилса, минг гектарга яқин ҳосилдор ерларни ўзлаштириш имконияти пайдо бўлади. Бу қишлоғимиз ёшларининг бошқа шаҳарларга бориб ишламай, ўзимизда меҳнат қилишларига имконият яради.

Менинг асосий мақсадим – давлатимиз томонидан қабулланаётган ажойиб дастурлар доирасида қишлоғимиз фаровонлигини юксалтиришга эришиш.

Яна бир мақсадим – кичик цехларни ишга тушириш, мева-сабзавот маҳсулотларини сақлайдиган замонавий омборлар бунёд этиш. Имтиёзли насиялар ёрдамида ижтимоий аҳволи ночор оилаларга иссиқхоналар бунёд этишга ёрдам бериш.

Югнак қишлоғида аҳоли сони ўсиб бормоқда. Лекин, мактаб ўтган асрда қурилган, замон талабларига жавоб бермайди. Шунинг учун яна битта билим даргоҳини қуриш зарур, деб ўйлайман.

Иқтидорли ёшларимиз қишлоқда спорт билан шуғулланишга етарли шароит бўлмаганлиги сабабли шаҳарга қатнашга мажбур. Қишлоғимизда спорт мажмуасини қуриш керак. Туркистон вилояти ташкил этилгач, 12та қишлоқ округи Туркистондан Кентов тасарруфига ўтди. Кентовни транспорт воситалари билан таъминлаш масаласи туғилди. Бу муаммони ҳам ҳал этиш зарур. Давлатимиз томонидан қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш, инфратузилмани ривожлантириш борасида ажойиб дастурлар қабулланган. Юқорида таъкидлаганимдек, ушбу дастурларни амалга ошириш учун мустақил насия банки ташкил этиш зарур. Аҳоли ўз иш режалари асосида давлатдан насия олиб тадбиркорликни ривожлантириш имкониятига эга бўлади. Қишлоғимизда яқинда мол сўйиладиган замонавий модул ишга тушади. Бунинг учун 1000 бош мол бўрдоқилайдиган мажмуанинг дастлабки фермаси қуриб битказилди. Ҳар куни 15та қорамол 40 майда мол сўйиладиган модул ва мол бўрдоқилайдиган мажмуа 2021 йили ишга туширилгач, 100 одам иш билан таъминланади. Ёш авлодни билимли, баркамол ва иймонли этиб тарбиялаш йўлида 150 ўринли болалар боғчасини бунёд этдик. Туркистон шаҳридаги «Азрет Султан» тарихий-маданий қўриқхона музейи археолог олимлари иштирокида илмий-назарий конференция ўтказиб, қишлоғимиздаги Аҳмад Югнакий меросини тадқиқ қилиш ва ўрганиш йўналишида тадбир ташкил этамиз. Nur Otan партияси ёшлар қанотининг режалари бисёр, биз уларнинг қадрдон қишлоғимизда амалга ошиши ва ҳамқишлоқларимизга хизмат қилиши учун куч-ғайратимизни аямаймиз.

Келажакка бирга!

## МАҚСАДИМ – ҲАР БИР ОИЛАНING ФАРОВОН ЯШАШИГА ЭРИШИШ.

Нур Отан  
Сайрам  
ауданы бойынша  
ПРАЙМЕРИЗ  
ҲИМТКЕРИ  
PRIMARIES  
2020  
1-2-3 қазан 2020 жыл  
Nur Otan партиясиның депутаттыққа кандидат  
Абдирасул Юсуповқа дауыс берейік!  
**Юсупов**  
Абдирасул Мадикаримұлы

## СПОРТ ИНШООТЛАРИДА ИШ ҚИЗГИН

Шимкент шаҳар ҳокими М. Айтенов қатор спорт иншоотларида олиб борилаётган таъмирлаш ишларининг бориши билан танишди. Шаҳар раҳбари даставвал енгил атлетика мажмуасидаги ишларни кўздан кечирди.



Мажмуанинг ташқи қиёфаси янгиланиб, ички қисмида пардозлаш ишлари бошланган.

М. Айтенов пудратчи ташкилот раҳбарларига ишни муддатида тугатишни топширди.

Сўнг шаҳар раҳбари 3-сонли олимпиада захирасидаги ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактабига борди. Ҳозир мактабнинг спорт зали ва ҳовузи тубдан таъмирланмоқда. Бу ерда спортнинг 8 тури бўйича – сузиш, эшак эшиш ва каноэ, учураш, бокс, баскетбол, шахматдан машғулотлар ўтказилади.

60 нафар мураббий 800дан зиёд болани олимпиадага тайёрламоқда. Шаҳар ҳокими ташриф чоғида соҳа раҳбарига ёшлар ўртасидаги спортни ривожлантириш учун барча спорт мактабларининг имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш зарурлигини таъкидлаб, аниқ топшириқлар берди. Бугунги кунда Шимкентда 856та спорт иншооти бор. Шаҳар спортчилари 2021 йили ўтайдиган 32-Ёзги Олимпиада ўйинларида иштирок этиш учун 4та йўлланма ютиб олишди.

## ҚУЁШ ЭЛЕКТР СТАНЦИЯСИ ҚУРИЛЯПТИ

Шаҳар ҳокими М. Айтенов 20 МВли қуёш электр станцияси барпо этилаётган қурилиш майдонида бўлиб, пудратчи ташкилот раҳбарлари билан учрашди.

Электр қувватини ишлаб чиқарадиган иншоот қурилишини ҳокимлик ҳамда «Kazakh Invest» МК ҲЖнинг қўллови билан россиялик сармоядорлар «Хевел» компанияси амалга ошироқда. 50 гектар майдонда барпо этилаётган лойиҳанинг қиймати 6,2 млрд. тенгени ташкил этади.

Бу ерда 49 мингдан зиёд қуёш модуллари ўрнатилади. Йилига 38 млн.кВт соат энергия ишлаб чиқарилади, деб кутилмоқда. Яъни, ушбу станция 10 мингдан зиёд хонадонни электр қуввати билан таъминлай олади.

Лойиҳага кўра қуёш электр станциясининг қурилишини жорий йил октябрда тугатиш режаланмоқда.

Шимкент шаҳар ҳокимининг матбуот хизмати.





**NUR OTAN ПАРТИЯСИ  
ПРАЙМЕРИЗИГА  
САЙРАМ  
ТУМАНИДАН  
НОМЗОД**

**ҮНҒАРОВ  
Ширинбек  
Сусинули**

**САЙЛОВЛДИ ДАСТУРИ**

Үнғаров Ширинбек Сусинули 1962 йили ЖКВ Түлебий туманига қарашли Майбулақ овулида механизатор оиласида дунёга келган.

1979 йили Ленгер шаҳридаги 2-сонли ўрта мактабни аълога тамомлаб, “Советский” ширкатида чилангар, катта чўпон ёрдамчиси, Россия Федерациясининг Иркутск вилоятида хўжалик йўлланмаси билан бориб ишлаган. 1986 йили Алматидаги С. М. Киров номидаги Қозоқ Давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультетини тамомлаб, меҳнат фаолиятини Манғишлоқ вилояти, Форт-Шевченко шаҳридаги ИИБда терговчиликдан бошлади. 1990 йили ЖКВ, Сайрам туман ички ишлар бўлимида нозир, катта терговчи, тергов бўлимининг бошлиғи, бошқарма бошлиғининг тергов бўйича ўринбосари лавозимларида ишлади. 2009 йили ЖКВ ИИДга ўтиб, ўта муҳим ишлар бўйича катта терговчи, бўлим бошлиғи, Ички Хавфсизлик бошқармаси бошлиғининг ўринбосари бўлди.

2013 йили Ички ишлар вазирлигининг буйруғига кўра, ЖКВ ИИД Ички Хавфсизлик бошқармаси бошлиғи этиб тайинланди. 2017 йили мазкур департаментнинг Экстремизмга қарши ҳаракат бошқармаси бошлиғи, 2018 йили янгидан тuzилган Келес туман полиция бўлими бошлиғи этиб тайинланди, 2019 йили 20 декабрь куни Ички ишлар полковниги лавозимида фахрий ҳордиққа чиқди.

ҚР Адлия Вазирлигининг 2020 йил 20 февралдаги 20002481-сонли лицензияси асосида Шимкент шаҳар адвокатлар Ҳайъати Президиуми қарори билан 2020 йил 1 мартдан адвокатлик хизмати билан шугулланмоқда.

Қатор давлат мукофотлари соҳиби, Ички ишлар вазирлигининг Фахрий ёрлиғи, вилоят маслаҳатининг Фахрий ёрлиғи, вилоят ҳокимларининг Ташаккурномалари билан тақдирланган. Оилали, 2019 йилдан Nur Otan партияси аъзоси.

Хурматли ҳамюртлар! Мен Туркистон вилоятининг Сайрам туманида ҳуқуқни ҳимоя қилиш соҳасида 20 йилга яқин хизмат қилдим, ўлканинг тарихи ва ҳаёт тарзидан воқифман. Nur Otan партиясининг илк бор уюштирган праймеризда иштирок этиб, туман маслаҳатига депутат бўлишга бел боғладим. Юртимизни ҳар томонлама ривожлантиришда барча масалаларни халқ билан кенгашиб, ҳал қилиш – бош мақсадим. Ҳозирги кунда туманда ечимини кутаётган масалалар етарли. Сайловолди дастурида ижтимоий, давлат дастурлари доирасида асосий йўналишларни таклиф этаман.

**1. ИҚТИСОДИЙ ЙЎНАЛИШ**

Самарали кичик ва ўрта бизнес – шаҳар ва қишлоқни ривожлантиришнинг мустақам асоси. Давлат раҳбари Қасим-Жўмарт Кемелули Тўқаев жорий йилги Мақтубида “Давлат тузилмаларининг тадбиркорлик фаолиятига ҳар қандай ноқонуний аралашув, ишбилармонлар ишига тўсқинлик қилиш – давлатга қарши энг оғир жиноят деб баҳоланиши керак” дея таъкидлаганидек, кичик ва ўрта бизнес соҳибларига ҳуқуқий маслаҳат бериб, уларни ривожлантиришга ҳаракат қиламан. Бу бизга янги иш ўринларини очиб, минтақа иқтисодий аҳволининг барқарорлашишига таъсир кўрсатади.

**2. ИЖТИМОЙ-ҲУҚУҚИЙ ЯНГИ СИЁСАТ**

- Туман фуқаролари, айниқса, ёшлар ва ўсмирларнинг вақтини самарали ўтказишлари, уларнинг спортга қизиқишини орттириш мақсадида туман марказида, овул округларида (1-6 ёшдаги болалар учун мўлжалланган ўйин майдончалари, воркаут, яъни ҳаваскорлик спорти, жисмоний тарбия (фитнес) ҳамда спорт субманият сифатида гуруҳлашган гимнастика)ларга мўлжалланган иншоотларнинг қурилишини қўллаб-қувватлайман.

- Ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши билмайдиган туман фуқароларига (кўп болали оналарга, нафақадорларга, имконияти чекланганлар ва бошқа.) ҳуқуқий маслаҳат бериб, қўллов кўрсатишга тайёрман.

- Қонуний жиҳатдан ижтимоий ҳимоя чораларини қабул қилиб, ички сиёсий барқарорликни таъминлашга, обрўси ва лавозимига қарамай, уюшган жиноятчиликка қарши курашни барча даражада кучайтиришга куч-ғайратимни сарфлайман.

- Туманда яшайдиган турли миллат ва элат вакиллариининг тотувлигига раҳна солинмаслигига эътибор қаратаман.

- Аҳоли билан тез-тез учрашиб, уларни қизиқтираётган жиҳатлар, давлат ёрдамига муҳтожларга кўмаклашиб, ечимини топмаётган масалаларни тегишли жойларга етказаман. Ушбу масалаларни ҳал қилишга ҳамкасбларимни ҳам жалб қилиб, бажарилган ишлар ОАВ саҳифаларида мунтазам равишда ёритиб борилишини йўлга қўяман.

Эл Президенти, Элбошининг, Nur Otan партияси топшириқлари ва асосий йўналишларини ўзим учун дастуриламал билиб, халқ манфаатини ҳаммасидан устун қўйишга бор куч-ғайратимни сафарбар этаман.

**МАҚСАДИМ – ЭЛГА ВИЖДОНАН  
ХИЗМАТ ҚИЛИШ!**

*Елге қызмет терейлі міндеті*

**Nur Otan**  
Сайрам  
ауданы бойынша  
**ПРАЙМЕРИЗ  
ҮМІТКЕРІ**

**PRIMARIES**  
2020

NUR OTAN PARTIYASI ҲИҚДЕП  
САЙЛАУ

1-2-3 қазан 2020 жыл

Nur Otan партиясының депутаттыққа кандидат  
Акмалжан Исаковқа дауыс берейік!

**Исаков**  
Акмалжан Абдихалықұлы

**NUR OTAN ПАРТИЯСИ ПРАЙМЕРИЗИГА КЕНТОВ ШАҲРИДАН НОМЗОД  
Ирода МУҲАММАДЖОНОВА**

**САЙЛОВЛДИ ДАСТУРИ**

Хурматли сайловчилар!  
Менинг Nur Otan партияси аъзоси сифатида ички праймеризда иштирок этишдан мақсадим: Бош Қомусимизда таъкидланганидек, инсонларнинг эркин ҳаётини, соғлом турмуш тарзини, демократик нуқтаи назарини шакллантириш ҳамда аҳолининг ижтимоий ҳаётини муносиб даражада юксалтириш. Кўп йиллик тажрибамга суянган ҳолда сайловолди дастури билан таништиришни лозим кўрдим.

Шаҳар ва қишлоқ аҳли турмуш даражасини юксалтириш учун қуйидагиларга эришишда ўз ҳиссамни қўшаман:

- 1. Миллатлараро бирлик.** Ҳукумат ва халқ орасида адолатли кўприк ўрнатиш, Элбошимиз ҳамда Қозоғистон Республикаси Президентининг ташаббуслари, Мақтублари, қарорларини халққа тушунтириш, амалга оширишга ҳисса қўиш. Тотувлик ва дўстлик чанғароғи кўтарилган элимизда Қозоғистон халқи Ассамблеясининг аҳамиятини тарғибот қилиш. Давлат тилининг қўлланиш доирасини кенгайтириш.

- 2. Таълим.** Қишлоқларда мактаб ўқувчиларининг кўп тили таълим олиши имкониятларига йўл очиб, кўшимча таълим марказларининг кўпайишини таъминлаш.

- 3. Болалар боғчалари.** Келажакимиз бўлган болалар тарбиясининг пойдевори бу – болалар боғчалари. Хусусий болалар боғчаларининг молиялаштирилиш даражасини яхшилаш. Тарбиячиларнинг касбий маҳоратларига эътибор бериш, баҳолаш.

- 4. Меҳр-мурувват.** Абай отамизнинг “уч нарса инсоннинг зийнати: ғайрат-шижоат, нурли ақл, қалб тафти”, деган фикри асосида жамиятда меҳр-мурувват фазилатларини орттиришга имкон яратиш, кам таъминланган, имконияти чекланган оила болаларини қўллаб-қувватлаш.

- 5. Спорт.** Бола таълим ва тарбияни яхши ўзлаштириши учун – спорт ва маданият уйғунлиги зарур. Айниқса, бугунги бутун жаҳонга таҳдид солган пандемия шароитида, мамлакатимиз Президенти айтганидек, соғлом турмуш тарзига асосий эътиборни қаратиш зарур. Иқтидорли ёшларимизни жаҳон олимпиадалари даражасига олиб чиқиш имкониятларини яратиш. Ҳар бир қишлоқда спорт мажмуалари барпо этишга эришиш.

- 6. Маданият.** Маданият уйларининг иситилишига эътибор қаратиб, истеъдодли ёшларни жалб этиш, малакали ва билимли тўғарак раҳбарлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш – истеъдодли санъаткорларни тайёрлаш йўлида залворли тадбирларни амалга ошириш. Музейлар, кутубхоналар фаолиятини жонлантириш.

- 7. Ижтимоий соҳа.** Кам таъминланган оилалар аъзоларини иш билан таъминлаш; иссиқхоналар ва мевали боғлар лойиҳасини амалга ошириш.

Мустақил эл бағрида хотин-қизларга яратилган имкониятларга жавобан жамоат ишларида ҳар қандай оғирликни зиммага олиб, масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда, турли жабҳаларда намуна бўлаётган хотин-қизларни партия сафига қабуллашни элимиз учун муҳим қарор сифатида қўлламан. Шу боис, Nur Otan партияси олдига қўйган мақсадларга бирга етамиз, деган ният билан элнинг эркин ва фаровон ҳаёт кечирishiга билим ва маҳоратим ила ҳисса қўишга қарор қилдим. 15 йиллик таълим ва маданият соҳаларидаги тажрибаларимни минтақамизнинг, халқимиз ҳаётининг гуллаб-яшнаши, ижтимоий-иқтисодий тараққиётига сафарбар қилишга тайёрман.



Ирода Тоҳир қизи Муҳаммад-жонова 1983 йили 18 февралда Туркистон шаҳрининг Эски Иқон қишлоғида дунёга келган. Ҳозир Эски Иқон қишлоғидаги «Тожинисо она» болалар боғчасининг мудираси. Айни пайтда «Настарин» рақс дастаси, Миртемир музейи қошидаги ёш қаламкашлар тўғараги раҳбари.

Бир неча йил «Яссавий нури» газетаси бош муҳаррирининг ўринбосари лавозимида ишлади. 2016 йилдан Нур-Султон шаҳридаги 86-сонли “Зиёдор” болалар боғчаси тарбиячиси бўлиб, тасвирий санъат тўғарагини бошқарди...

И. Муҳаммад-жонова “Ижодкор” адабий бирлашмасининг аъзоси сифатида жамоат ишларида фаол қатнашади. У моҳир педагог ва хореограф, ҳассос шоира ва таржимондир.

«Алтынсарин», «Бала өнерине қосқан үлесі үшін», «Білім беру ісіне қосқан үлесі үшін», «Үздік жетекші», «Шығармашыл ұстаз» кўкрак нишонлари, турли муассасаларнинг фахрий ёрлиқлари, ташаккурномалари, «Бала өмірінің сәулетшісі» ҳамда «Алтын тәж» номинациялари билан мукофотланган.



# ОНАИЗОРИНГ – ЗАМИН...

## ЎКИ БУГУННИНГ КЕСКИН МУАММОСИ, КЕЛАЖАКНИНГ ТАҚДИРИ

**Онаизоринг – замин, танҳо йўғу боринг – замин, Хаста беморинг – замин, ўғлон ўзинг, дармон ўзинг, Бағрида ётқучи – сен, неъматларинг тотқучи сен, Тиғ бўлиб ботқучи – сен, пайкон ўзинг, қалқон ўзинг.**

**Эркин Воҳидов.**  
“Инсон қасидаси”.

**Одоб – либос,  
ахлоқ – зийнат**

Аллоҳ таоло Одамни яратибдики, унинг фарзандларига либос қилиб Одобни, зийнат қилиб Ахлоқни берган. Ана шу иккиси туфайли башар фарзандлари бир-бирдан ажралли туради.

Турмуш тарзимизда «отасига раҳмат, одобли бола чикди-да» ёки «отасига лаънат, тарбиясиз чикди бу», деган гаппарни эшитиб тураемиз. Фарзанднинг гуноҳи ҳам, савоби ҳам, яхшиси ҳам, ёмони ҳам ота-онага, қолаверса, миллат ва динига обрў ёки иснод келтиради.

Барча муқаддас китоблар – Таврот, Инжил, Забур, Қуръони карим, ҳатто, Авестода ҳам инсон тарбияси бош мавзу қилиб қўйилган. Жумладан, Қуръони каримда 57та суранинг 204та оятида одоб, ахлоқ ва насихат борасида сўз юритилган.

Ҳеч бир динда ўз қавмини ёмонликка бошлаш йўқ. Аини пайтда ҳеч бир ота-она ҳам ўз фарзандини ёмон бўлсин, демайди. Одамзодни гўзал қиладиган, унинг ҳаётини мазмунли, икки дунёсини нурга буркайдиган нарса ҳам одоб ва ахлоқидир. Шу боис ҳам кексалар дуо қилганларида, «Илоҳим, одобли ва одам боласи бўлгин», дея ният қилишади. Отангмас, одоб фарзанди бўлгин, дейдилар. Бир солиҳ, одобли, ахлоқли, илмли-маърифатли, қобилият ва иқтидор соҳибининг ҳаётда қўлга киритган ютуғи фақатгина оилани эмас, балки юртни, миллатни жаҳонга танитади. Улуғ кашфиёт соҳиблари, санъат чирогини ёққанлар, спорт мусобақаларининг ғолиблари қўлга киритган ютуқлар туфайли шон-шараф, ифтихор туйғуларини қучишимиз ана шундан!

**Авлодларга нима  
қолдирамиз?**

**Келдинг оламга, демак,  
етмас уни сўрмак, емак,  
Ерни этмоғинг керак,  
бўстон ўзинг, ризвон ўзинг.**

Инсон улуғ ва бунёдкорлик ишларини амалга оширганини кўриб, ақлинг бовар қилмайди. Барча яхши-ёмон кашфиётлар – ақл маҳсули. Инсон ақли XX асрда фазони забт этди. Техника, технология, ахборот коммуникация, интернет, уяли телефон хизмати инсон ақл-заковати, тафаккурининг ютуғи. Лекин улкан кашфиётлар олдида, дунёвий экологик муаммолар инқирози туфайли борлиқ, ҳаёт, дунёмизга ўзимиз хавф солиб турибмиз. Саноат, коммунал ва маиший хизмат чиқитларининг зарарини бугун ўлчаб бўлмайди. Ёғ-мой ёқилғисининг жонли табиатга келтираётган хавф-хатарини би-

лаимизми? Дарёлар, кўллар, денгиз ва океанларни булғаб, ифлос қилармиз-ку! Нафас олаётган ҳавога чиқаётган зарарли газлар умримизга эгов бўлиб турибди. Улар туфайли кўз кўриб, қулоқ эшитмаган турфа касалликлар юзага келяпти. Уйлайсан: бу одамнинг одамийлигини ёки ақлсизлигини?

«Наука и жизнь» журнали маълумотларига кўра бугун ер юзиде карбонат ангидрид газининг йилига 200 млрд. тонна ишлаб чиқарилади, кислород ишлаб чиқариш миқдори эса 155 млрд. тонна. Демак, маҳлуқотлар ва яшиллик олами тенглашиши учун яна 45 млрд. тонна кислород танқислиги мавжуд.

Биз, одамлар эса яшил майдонларни яна нобуд қилаётимиз. Ўрмонларга ўт кетиб, яйловлар нобуд бўляпти. Бу билан одамзод ўз илдизига ўзи болта ураётганини билмайдами? Билади. Лекин Инсон Ер сайёрасида келгусида ўз наслини сақлаб қолишга бефарқ қараяпти. Авлодлар бугун биз йўл қўяётган бу хавф-хатарнинг зарарини кечирармикан?

**Долзарб муаммо энди  
Президент назоратида**

Президентимиз Қасим-Жўмарт Тўқаев «Янги вазиятдаги Қозоғистон: ҳаракатлар даври» Мақтубида Ҳукуматга элимизнинг янги иқтисодий дастурини ишлаб чиқишни топшириб, унинг етти асосий тамойилини белгилади. Олтинчи тамойили «Яшил иқтисодиёт»ни ривожлантириш, атроф-муҳитни муҳофазалаш» топширилди.

Бу билан долзарб масалани ҳал қилишга йўл очилди.

ОАВни кузатиб бораётган бўлсангиз, башар фарзандининг ўйламай-нетмай қилган ва қилаётган ишлари туфайли Орол муаммоси юзага келди. 50 миллиондан зиёд аҳоли унинг жафосини тортаяпти. Бу кўргулик етмаганидек, ўтган йили Ари-

улар жазолангач, табиат тикланиб қолмайди-ку. Нега одамзод ўз тақдирини ўйламайди?

Президент жорий йилги Мақтубида атроф-муҳитни муҳофазалаш ва экологик тараққиёт Қозоғистоннинг кун тартибидеги биринчи масала эканини таъкидлади. Дарҳақиқат, бу масала билан бутун дунё шуғулланмоқда, биз ҳам бу жараёндан четда қолмаслигимиз зарур.

Юртимизда қатор муаммоларни ҳал қиладиган “Экология кодекси»нинг янги лойиҳаси иш-

ва маъмурий жавобгарликка тортилишлари керак. Ёшларнинг экологик тарбиясига мактаб ва ОУЮлардан бошлаб алоҳида эътибор қаратилиши лозим. Президент, шунингдек, жамиятда экологик қадриятларни мустаҳкамлаш мақсадида “Birge – taza Qazaqstan” экологик акциясини тизимли равишда ўтказишни ҳам топширди.

Мамлакат ичида экологик сайёҳлик маданиятини фаол ривожлантириш муҳим вазифалардан. Яқин йилларда иқ-

дордаги чиқиндидан қутулишда ёрдам бериши мумкин, – дейди тадқиқотчилардан бири, Кембриж университети профессори Паоло Бомбелли. Куя куртининг ушбу тури мум билан озиқлангани сабаб, унда полиэтиленни қайта ишлаш қобилияти пайдо бўлган бўлиши мумкин. Олимлар кейинчалик керакли ишни бажарётган моддани ажратиб олиб, уни сунъий йўл билан синтез қилишга умид боғламоқда.



лаб чиқилди. Парламент уни йил охиригача қабул қилади.

Шунингдек, жорий йилги Мақтубида Давлат раҳбари Ҳукуматга экологик вазиятни яхшилаш амалий чораларини кўришни топширди.

Президентнинг топшириғи бўйича беш йил ичида республика ўрмон жамғармасида 2 миллиард туп дарахт кўчати ва қишлоқларда 15 миллион туп кўчат ўтқазилади. Мазкур акция мамлакатимизнинг яшилликка бурканишига олиб келади. Пойтахт атрофида яшил белбоғ ташкил қилинади.

Президент Миллий боғ ва Қо-

тисодиётнинг ўсиш кўрсаткичи “яшилликка” чамбарчас боғлиқ бўлиши керак. Бунинг учун ҳозирдан оғирроқ углерод миқдорини камайтиришга бел боғлаган маъқул. Шу мақсадда Қасим-Жўмарт Кемелули Ҳукуматга илмий жамият ва хусусий шўъба билан ҳамкорликда “яшил кўрсаткич” таклифлар пакетини ишлаб чиқишни топширди.

«Ҳукумат бундан ташқари фуқаролик шўъбаси билан бирга «Ҳайвонот оламини муҳофазалаш» қонун лойиҳасини ишлаб чиқиши керак. Ҳар қандай давлатда жониворларга муносабат юқори савияда, бизда эса бу борада ишлар кўнгилдагидек эмас», деди Давлат раҳбари.

**Бу хушхабарга  
нима дейсиз?**

“РИА Новости” бир хушхабар тарқатди. Унда олимлар полиэтилен пакетлари билан озиқланадиган капалак қуртини аниқлагани, катта мум куя курти полиэтилен пакетларни парчалаб юборишга қодир эканлигини аниқлагани ва тадқиқот натижалари Current Biology нашрида эълон қилингани айтилган. Мақоладан иқтибос келтирамиз:

– Полиэтилен табиий шароитда жуда секин парчалангани учун атроф-муҳитга катта муаммо туғдириб келмоқда. Ушбу кашфиёт ахлатхона ва океанларда йиғилиб бораётган улкан миқ-

**Уммонлар нотинч...**

Энди пластик пакетлар ҳақида баъзи маълумотларга тўхталармиз.

Ер юзиде ҳар бир сонияда 160000та пластик пакет ишлатилар экан. У нефтдан тайёрланади. Бир пакетга ишлатилган маҳсулот автомобилани 11 метргача ҳайдаб бориш имконини беради.

Жаҳонда пластик пакетларнинг фақат 3 фоизигина қайта ишланади. National Geographic телеканали намойиш қилган видеофильмда ҳалок бўлган денгиз жониворларидан 90 фоизининг қоридан пластик пакет чиқаётгани айтилди.

Сайёрамиз юзига сочилган полиэтилен пакетларни бир-бирига улаб чиқсак, ер шарини 4200 марта ўраб чиқиш мумкин экан.

Кўриниб турибдики, ҳар бир ўсиб-улғаяётган ёшларимиз мустақил давлатимизнинг экологик сийёсати ҳамда унинг мазмунини яхши билишлари ҳамда экологик маданиятга эга бўлишлари ва жамият фаолиятининг экологик ҳуқуқий соҳасида фаол қатнашишлари зарур.

Мақолани Ўзбекистон халқ ёзувчиси, шоир Эркин Воҳидовнинг қуйидаги сатрлари билан якунлаймиз:

**Бўлмасин субҳинг қаро, бор бўл мудом, борлиқ аро,  
Ўзни этгил доимо, инсон ўзинг, инсон ўзинг.**

**Авазхон АБУФАТТОХ.**



шаҳрида портлашлар содир бўлса, жорий йилда Ўзбекистондаги Сардоба сув омбори бузилди. «Қизил китоб»даги жониворларни овлаш, ўсимлик дунёсини нобуд қилиш тўхтамаяпти. Айбдорлар жазоланиши аниқ, лекин

зоғистоннинг бошқа табиий бойликларини қонун доирасида ва меъёрий ҳужжатлар ёрдамида асраб-авайлашимиз зарурлигини эслати. Топшириқлар қоғозда қолиб кетмаслиги учун қоңдаларни бузган фуқаролар жиноий



• Қалб ёғдуси

## Яхшилик нурдан келур

Мамлакат оғир кунларни бошидан кечириётган пайтда бир гуруҳ шогирдлари устозидан хабар олиш учун боришибди.

– Сизларни соғ-саломат кўриб турганимдан хурсандман, – дебди устоз. – Энди айтингларчи, қандай кун кечириясизлар?

– Топсак шукр қиляпмиз, топмасак – сабр.

Устознинг кайфияти тушиб кетибди. Жавобдан қониқмаганини кўрган шогирдлар савол беришибди:

– Ўзингизчи, устоз, қандай кун кечириясиз?

– Топмасак сабр қиляпмиз, топсак – баҳам кўряпмиз, – деган экан.

Инсониятни жоҳилият залолатидан эзгулик нури сари етаклаган улуғ зот Муҳаммад (с.а.в.) марҳамат қилиб айтганлар: «Кўёш балқиган ҳар бир кунда икки киши ўртасини адолат билан ислоҳ этишинг – эҳсондир».

Ҳазрати Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Бир кишининг уловга минишида ёрдам беришинг яхшилик – эҳсондир. Бир кишига табассум ила яхши сўз айтишинг ҳам яхшиликдир, одамларга азият берадиган нарсани йўлдан олиб ташлашинг ҳам сенга яхшиликдир, икки киши ўртасида адолат билан ислоҳ қилишинг – яхшиликдир. Моддий ёрдамга муҳтож оилага мурувват қилишинг ҳам яхшиликдир. Кишига бу каби яхшиликларни адо этгани учун Аллоҳ, унга қалб мусаффолигини беради, қолаверса, кўп хайру савобларга эга бўлади», деганлар.

Бугун мамлакатимиздаги тинчлик, хонадонимиздаги осойишталик, дастурхонимиздаги тўкинчилик Яратганининг биз, бандаларига кўрсатаётган чексиз раҳмати, юртдошларимизнинг эзгу ишлари самараси, десак, асло муболаға бўлмайди.

Зотан, ҳар бир кунини, ёинки ҳар бир сониясини ўзгалар корини осон қилишга, ўксикларнинг кўнглини кўтаришга бахшида этадиган инсонлар чинакам фидойилардир. Инсонлар хизматида бўлиш, уларга имкон қадар ёрдам қилини чўзиш ва ҳожатини равон қилишда доимо саъй-ҳаракатда бўлиш – улкан саодат.

Инсонларга яхшилик қилиш – уни икки дунё саодатига ноил этади.

Инсонларни доимо яхши ишга далолат қилмоқ катта-ю кичик, ёш ва кексаларнинг бурчидир. Айниқса, ёши улуғ кишиларимиз ёшларга қилаётган панду насиҳатларини тинглаб, амалда қўллаб борсак, асло адашмаймиз, ҳаётимиз янада гўзал ҳамда фаровон бўлади.

Дунёда савобга, яхшиликка олиб борадиган ишлар жуда кўп. Жумладан, ота-онасига яхшилик қилиш, кўни-қўшнисига, ака-укасига, қавму қариндошларига, маҳалла-қўйдаги ёрдамга муҳтожларга, қаровсизларга кўмак бериш сингари хайрли ишларни ўз бурчи, деб қабул қилиш – юксак инсоний фазилатлардир.

Шунинг учун ҳам мусулмон кишига яхшилик эшиклари доимо очиқ, у Аллоҳнинг кенг раҳмати, беқиёс савоблари соясида бу эшиклардан хоҳлаган вақтида кираверади.



Ҳақиқий мусулмон яхши амалларни қилишда бардавом бўлади, у ҳар вақт Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ушбу ҳадисларига амал қилиб бормоғи матлубдир:

«Сизлардан ҳеч бирингиз ўзи яхши кўрган нарсани, биродарига ҳам раво кўрмагунига қадар чин имонли бўлмайди».

Демак, мусулмон киши ўзига севимли бўлган нарсани бошқа биродари билан баҳам кўришни яхши кўриши, яъни уларга фойда келтириш ва улардан ҳар қандай зарарни даф қилиши лозимдир.

Эзуликни фақат моддий кўмак бериш ёхуд бирор жисмоний ёрдам кўрсатиш деб тушуниш бирёқлама тасаввур бўлар эди. Зеро, яхшиликнинг чек-чегараси йўқ. Меҳрга, мурувватга муштоқ кўнглиларни зиёрат этиш ҳам бир яхшилик.

## БОЙЛИК НИМА БИЛАН ЎЛЧАНАДИ?

Бадавлат ота ўғлини камбағал кишиларнинг борлигини кўриб, фахрланиб юрсин, деган ўйда қишлоқ атрофи бўйлаб саёҳатга олиб чиқди.

Улар ўта қашшоқ бир оиланинг даласида кечани ўтказдилар.

Сафардан қайтаётганларида ота ўғлидан сўради:

– Саёҳат қандай бўлди?

– Ажойиб!

– Кўрдингми, қандай қашшоқ одамлар бор-а?! – сўради ота.

– Ҳа...

– Хўш, бу сафардан нималарни ўргандинг?

– Кўрдимки, бизнинг атиги битта итимиз бор экан, уларда эса тўртта!

Биздаги боғнинг ўртасида биттагина бассейн бор, уларда эса адоғи йўқ булоқ! Биз боғимизга чироқлар қўйдирганмиз, уларда бу вазифани ой ва миллионлаб юлдузлар бажаради. Бизнинг ҳовлига туташган пешайвонимиз бор, уларда эса бутун бошли уфқ. Бизда яшаш учун бир парчагина ер бор, уларда эса биз ҳис қила олмайдиган даражада кенг далалар. Бизга хизмат қилишади, улар ўзгаларга хизмат кўрсатишади. Биз егуликларни сотиб оламиз, улар эса ўзлари ўстирадилар. Биз бор-будимизни асраш учун деворлар қурганмиз, уларнинг ўзларини ҳимоялайдиган дўстлари бор экан...

Бу сўзларни эшитган ота жимиб қолди. Шунда ўғил яна қўшиб қўйди:

– Отажон, қанчалик қашшоқлигимизни кўрсатганингиз учун сизга ташаккур.

## БЕМОР ДАРАХТ

Бола боғнинг бир четига кўчат экиб, меҳр билан парвариш қилди.

Тез орада экан кўчати гуркираб ўса бошлади. Бола меҳнатининг самарасини кўриб, жуда севинди. Кўчатига ҳар куни сув қўйиб, тагини юмшатишни қанда қилмади. Кўчат ўсиб, дарахт бўлди.

Аммо кунлар ўтгани сайин дарахтнинг барглари сарғайиб, сўла бошлади. Буни кўриб, бола қаттиқ ташвишга тушди. Уни янаям кўпроқ парваришлайверди. Аммо дарахт сўлиб борарди. Бир куни бола дарахтни қучиб йиғлаб, унга деди: «Дарахтжон, сени шунчалик парваришласам ҳам, сўлиб қолаяпсан. Сенга қандай ёрдам беришни билмапман!».

Шунда дарахт тилга кириб, деди: «Болакай, ҳамма гап менинг илдимизга тушган қуртда. Ковлаб, бу зараркундалардан мени халос эт. Шунда яна гуркираб ўсаман».

Болакай дарахтнинг остини ковлаб, илдизга тушган қуртларни олиб ташлади. Тез орада дарахт яна гуркираб ўса бошлади.

### Қиссадан ҳисса;

Ҳаётда ҳам кўпинча шундай. Кўзимиз билан кўриб турган муаммоларни ҳал қилишга уринамиз, аммо муаммони келтириб чиқарётган сабабларни кўрмаймиз.

## НОТИҚ НИМАНИ БИЛИШИ КЕРАК?

Кунлардан бир куни машҳур нотик ҳузурига жуда кўп гапирадиган, эзма бир киши келиб, деди:

– Нотиклик санъатини менга ҳам ўргатсангиз.

Нотик рози бўлгач, сўради:

– Дарсларингиз учун қанча миқдорда пул тўлашим керак?

Нотик жавоб берди:

– Сендан бошқа шогирдларимга қараганда икки баравар кўп ҳақ оламан.

Ҳалиги киши ажабланиб, сабабини сўради.

– Сенга бошқаларга қараганда икки баравар кўп меҳнат ва вақт сарфлашим керак. Чунки, сенга нотиклик санъатини ўргатишимдан аввал, сукут сақлаш санъатини ҳам ўргатишим керак, – деди нотик.

Иоган Генри ПЕСТАЛОЦЦИ,  
швейцариялик педагог.

## Вақтинг кетди – бахтинг кетди

Маълумки, инсон ихтиёридаги энг бебаҳо нарса унинг вақтидир. Чунки йўқотилган ҳар қандай нарсани топиш мумкин, аммо зое кетган вақтни орқага кайтаришинг сира иложи йўқ. Шундай экан, ҳар бир оқил инсон ўз вақтини катта бир хазина деб билмоғи, унинг қадрига етиб, ҳар бир ишни ўз вақтида бажаришга аҳамият бермоғи лозим.

Ислому таълимоти вақтни беҳуда ўтказмасликка даъват қилади.

Хусусан, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бундай марҳамат қилганлар:

«Қиёмат кунини то тўрт нарсдан сўралмагунча банданинг қадами жойидан жилмайди: умрини қандай ўтказгани, ёшлигида нима қилгани, молини қаердан топиб, нимага сарф қилгани, илмига қай даражада амал қилгани» (Имом Термизий ривояти).

Шундай экан, вақтни зое ўтказишга фурсат йўқ, азизлар. Беҳуда ўтган ҳар



бир дақиқа охирада инсоннинг зарарига ҳужжат бўлишини англамоғимиз даркор.

Ҳасан Басрий раҳматуллоҳи алайҳ ҳикматларидан бирида бундай дейлади: «Ҳар куни тонг ёришганда Ҳақ томонидан бир жарчи: «Эй Одам боласи! Мен янги кунман, сенинг барча

амалинга гувоҳман. Мендан солиҳ амаллар қилиб фойдаланиб қол, чунки то қиёматгача қайтмайман», – деб жар солади.

Дарҳақиқат, ўз вақтига нисбатан жиддий қарайдиганлар ва унга бепарволар ўртасидаги тафовут оқ билан қор рангдек бир-бирдан фарқ қилади.

Ҳақиқий мусулмон вақтнинг қийматини яхши англайди. Чунки, вақт унинг умри, вақтнинг ўтиши умрнинг ўтиши демакдир.

Поездда кетаётган киши учун гўё фақат поезд юраётгандек, у эса бир жойда ўтиргандек туюлади. Аслидачи, поезд ўзи билан уни ҳам олиб кетяптику!

Демак, ҳар биримиз вақтнинг қадрига етиб, ундан унумли фойдаланмоғимиз ҳамда буни кучли имон ва ҳақиқий тақвонинг белгиси, деб билмоғимиз лозим. Зеро, умр инсонга бир марта берилар экан, унинг ҳар бир дақиқаси фанимат ва ҳисоблидир.

## Ҳалоллик – жаннат меваси



Қадим замонда Абдусалом деган бир ҳалол инсон ўтган экан. У яққаю ягона фарзандини жуда яхши кўрар, еру кўкка ишонмас экан. Йиллар ўтиб, бола улғайиб, паҳлавон йигит бўлибди. Бир куни у отасига маслаҳат солибди:

– Ота! Энди нима касб қилай?

Отаси:

– Ўғлим. «Бўйнидан боғланган ит овга ярамас», деган гап бор. Энди сен бир хунар ёки касбни ўзинг танла ва шунга меҳр қўй».

Шунда ўғли:

– Энг яхши касб – ўғирлик бўлса керак, – дебди.

Отаси шунда дебди:

– Майли ўғлим, ўғирлик бўлса ўғирликда. Қўшнимизнинг қўйини ўғирлаб кўрчи.

Ўғли қўшни хонадондаги битта катта кўчқорни ўғирлаб олиб келибди.

Отаси хурсанд бўлибди ва:

– Ўғлим, зўр иш қилдинг. Энди иккимиз бир ҳафта уйдан чиқмай, шу қўйни мазза қилиб еймиз, дебди.

Хуллас, ота-ўғил бир ҳафта маишат қилишибди. Қўйни еб бўлишибди.

Ўғил бир ҳафтада уч килога озибди. Ота эса тўрт килога семирибди.

Ўғил ҳайрон бўлиб, отасига боқибди.

Ота кулиб дебди:

– Эй, нодон ўғил! Билиб қўй, сен ўғирлаган қўйнинг пулини мен бир кун олдин қўшмага бериб қўйганман. Шунинг учун мен хотиржам еб-ичдим. Кўрдингми, сен ўзингга ҳалол касб танла. У дунёнинг ҳам, бу дунёнинг ҳам обод бўлур. Ҳалоллик – жаннат меваси эканини унутма, ўғлим.

Жанобул МАНАСОВ,  
имом.

Тўлебий тумани.



...Инсон муҳит таъсирида камолга етади. Ота-она ва чор-атрофдагилар шу муҳитни яратувчилардир. Қахрамонимиз Абдусалом Муллобоёв ўғли – ҳалол ва фидойи меҳнат, чин инсоний фазилатлар нафаси кезган оиланинг зурриёди. Бу оиланинг шухрати ва шарафини улуғлаб, қишлоқда эҳтиром ва ҳурматга сазовор қилган, пиру-бадавлат оила фарзандларини муносиб вояга етказган инсон.

## ЯҚИНЛАР ҚАРОҒИДА, ЭЛ АРДОҒИДА



Бурча садоқат туйғуси, эл-юрт хизматига камарбасталик ҳисси қахрамонимиз каби ҳалол ва покдомон юртдошларимиз ҳаёти ҳамда фаолиятининг мезонига айланган. Инсоннинг умри фарзандларида давом этади, деганларидай, бу оила сулоласи илдизи теран, бақувватлигини исботлаб, уларнинг фарзандлари оила эккан мевали дарахт сингари юксакликка интилиб, жамиятимизда ўз ўрнини топмоқда.

Абдусалом ака Алмати матлубот институтини тугатиб, кўп йиллар шу соҳада меҳнат қилди. 1 Мамир қишлоқ матлубот жамиятида том маънода жамоанинг фахри эди, фидо-корона меҳнати муносиб баҳоланиб, партия кўмитаси томонидан фахрий ёрликлар ва қимматбаҳо мукофотлар

билан тақдирланди. Негаки, уни энг аввало, сидқидилдан қилган меҳнати улуғлади. Устозларидан ўрганганларини узоқ йиллар мобайнида ўз соҳасида моҳирона қўллади, тер тўкиб ишлади. Қаерда ва қай вазифада фаолият кўрсатмасин, доимо виждон амри, кўнгил эътиқодига содиқ бўлди. Матлубот тизими тугатилгач, Тўлебий ва Сайрам тумани хўжалиқларида бош ҳисобчи бўлиб ишлаб, нафақага чиқди.

Ҳалол ва фидойи меҳнатининг рағбати-роҳатини топди. Пиру бадавлат бу инсон халқига, жамиятга хизматни ҳар нарсадан устун қўяди ва уни одамларнинг қисмати эмас, бахти-иқболи деб ҳисоблайди. Шогирдларнинг унга бўлган ҳурмат ва эҳтироми ҳам шундан.

Турмуш ўртоғи Малоҳат опа (марҳум) билан фарзандларини ҳам одоб-ахлоқли, меҳр-оқибатли, ўқимишли ва жамият учун нафи тегадиган комил инсонлар сифатида тарбиялаб вояга етказишди. Ўғиллари Отабек, Бекзод, Камолиддин, Азизбек, қизлари Лайлохон ва Ҳилола-хон ҳаётда ўз ўринларини топиб, ҳамқишлоқларининг ҳурматида сазовор бўлишмоқда.

Кўпни кўрган – кўп нарсани билади, деганларидек, Абдусалом ака жамоат ишларида фаол.

Ўтмишни хотирлаш, замон билан ҳамнафас бўлиш, келажакка эътибор қаратиш каби ажойиб ҳислатлар у кишида мужассам. У билан суҳбатлашган одамлар кўп нарсаларни ўрганса бўлади, дейишади.

– Мен бир нарсага ҳайронман, – дейди отахон, – айримлар нафақага чиқиб, кўчага чиқмай қўйишади. Ахир «бекорчидан Худо ҳам безор», деган гап бор. Мен оила аъзоларим билан жамоат ишларида фаоллик танитиб, ҳаловат топаман. Халқимизнинг «меҳнат инсонни улуғлайди», деган нақлига амал қилган ҳолда оиламиз ва жамиятимизга нафимиз тегаётганидан хурсандман.

Сарвар МИРЗО.

• Тўйхат ўрнида

## Маърифат Жонкуяри

Умрини устозликка бағишлаб, меҳнат, ижод завқи, эл-юрт ишига камарбасталик билан ўтказиб келаётган камтарин инсон – Ўсмонали Қодировни вилоятимизда билмаган киши бўлмаса керак. Кимларгадир у таълим-тарбия, маънавият ва маърифат жонкуяри сифатида танилган бўлса, бошқалар уни моҳир воиз, давраларга завқ-шавқ киритадиган ҳозиржавоб инсон деб билади. Ана шу қобилият ва фазилатлар бир кишида мужассамлашиб, серқирра истеъдод соҳибига айлангач, меҳнат фаолиятини Тўлебий туман таълим бўлимида услубиятчи бўлиб бошлади. Сўнг кўп йиллар «Тоғойна» бошланғич умумий ўрта мактабига раҳбарлик қилиб, таълим даргоҳини умумий ўрта мактабга айлантирди. 2000 йиллар бошида мактаб биноси ҳам ҳашар йўли билан кенгайтирилди.

Ў. Қодиров кўп йиллардан бери туман ўзбек этномаданият бирлашмасига раҳбарлик қилиб келмоқда.

Умр ўтар, вақт ўтар, деганларидек, Ўсмонали Раҳимбой ўғли ҳам Пайғамбар ёши – 63га тўлиб, нафақага чиқибди. Табриклигимиз, узоқ умр, бахт-саодат тилаймиз.

“Жанубий Қозоғистон”  
газетаси таҳририяти.

### • Қилмиш – қидирмиш

Халқимиз қадимдан ҳалоллик ва покликни эъзозлаб келган. «Ҳалол ишла, ҳалол тишла», «Ҳалол пишиб чиқар, ҳаром тешиб чиқар» каби мақолларга асрлар мобайнида амал қилиб келинади. Аммо эгри йўлдан юриб, белини оғритмасдан, жонини куйдирмасдан осон пул топишни излаётганлар ҳам учраб туради.

## ЎҒИРЛИК – ЎЗИНГГА ХИЁНАТ

Апрель ойи бошларида А. Содиқов эрта тонгда уйига навбатчиликдан келиб, автомобилнинг ойнаси синганлигини, меҳмонхона эшиги очиклиги ва ичидаги буюмлари сочилиб ётганини кўради.

Меҳмонхона шкафида турган, яхши ниятда тўй қиламиз, деб мисқоллаб йиғиб юрган пулининг йўқлигини, автомашинада турган «Асег» русумли ноутбук ҳам йўқолганлигини кўриб, қарахт бўлиб қолди. Бу ҳақда хонадон эгалари ички ишлар бўлимига хабар беришди. Тўлебий туман ИИБ терговчиси С. Асанов раҳбарлигидаги тезкор гуруҳ воқеа жойига етиб келди. Эксперт-криминалист Т. Естаев воқеа жойини синчиклаб кўздан кечирди. Синчковлик ўз самарасини бермай қолмади ва автомобиль эшиги ҳамда меҳмонхона-

даги шкафдан номаълум шахснинг бармоқ излари топилди.

Терговчининг ички туйғуси ушбу излар, албатта, ўғри томонидан қолдирилганини айтиб турарди. Тайинланган экспертиза ва олиб борилган тезкор тадбирлар натижасида излар қўшни кўчада яшовчи, муқаддам судланган Адҳамга тегишли эканлиги аниқланди ва унинг уйи кўздан кечирилганда, ўғирланган «Асег» ноутбуки топилди. «Айби борнинг тиззаси қалтирар», деганларидек, ўғри қилган ишини инкор эта олмади ва жиноятни ўртоғи Карим билан биргалликда содир этганини тан олди. Олиб борилган дастлабки тергов ҳаракатлари натижасида Адҳам маҳалладоши А. Содиқовни анчадан буён таниши, унинг ишхонасида навбатчиликка туришини бил-

ганлиги, ўртоғи Карим билан олдиндан тил бириктириб, шу куни хонадонга томдан ошиб тушиб, ўғирлик содир этганлигини айтди. Қўшни уйга ўрнатилган видеоназорат ускунасида маълумот олишнинг ҳолати бўлмади.

“Касални яширсанг – иситмаси ошкор қилади”, деганларидек, Адҳам билан Каримнинг содир этган жиноятлари ошкор бўлди ва улар томонидан ўғирлаб кетилган пуллар ва буюмлар қонуний эгасига қайтарилди.

Агарда бу йигитлар ҳаромнинг этагидан тутмасдан, ҳалол ишлаб, ўз тенгқурлари сингари бирон-бир касбнинг бошидан тутиб, фойдапи меҳнат билан шуғулланганларида, ота-оналарига лаънат ўрнига раҳмат олиб келишарди.

“Жанубий Қозоғистон”  
муҳбири.

## ЭЛДАН ОЛДИН ОЛАМАН ДЕБ, ҚАМОҚҚА РАВОНА БЎЛМАНГ!



2017 йил декабрда “Ўтзор” кичик туманида истиқомат қилувчи уч фуқаро уй-жой инспекцияси ходимига пора бериб, янги қурилатган кичик тумандаги уйлardan бирда навбати келмасдан туриб квартира олмоқчи бўлган.

Ушбу ҳолат юзасидан ҚР ЖКнинг 190-м., 3-б., 1-б., бўйича жиноий иш қўзғатилди ва айбдор ходимга нисбатан судгача тергов амаллари юритилди. Пора бериб, уй-жойли бўлишга интилган шахсларга ҳам шундай тадбирлар қўлланди.

Ҳафта бошида суд ижрочилари янги уй соҳибларига 10 кун муддат мобайнида хонадонларни бўшатиш тўғрисидаги қарорни топширишди. Агар уй эгалари норозилик билди-

ришса, жавобгарликка тортилиши ҳақида огоҳлантирилди.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда уй-жой олиш ниятида бўлган фуқаролар бутун мамлакатда ягона бўлган тизимдаги рўйхатда бўлишлари керак. Бу тизим давлат миқёсида назорат қилинади ва у ерга бирорта асоссиз ўзгартириш киритиш мумкин эмас.

Шунинг учун, пора билан иш битиришга уринмаслик керак. Рўйхатдаги навбатлар сони ўзгартирилса, мутасадди шахс фирибгарлик моддаси бўйича жавобгарликка тортилиши ҳеч гап эмас.

Туркистон шаҳар ҳокимлигининг  
матбуот хизмати.

Бош муҳаррир — Алишер Ғофуржон ўғли СОТВОЛДИЕВ.

Бош муҳаррир  
ўринбосарлари:

Муроджон АБУБАКИРОВ.  
Авазхон БЎРОНБОЕВ.

Масъул котиба –  
Шаҳноза УСМОНОВА.

Масъул шахслар:

Туркистон, Кентов — Шомирза МАДАЛИЕВ. 8(72533) 2-40-07.

Тўлебий — Баҳорой ДЎСМАТОВА. 8(72547) 6-07-16.

Қазигурт — Хуршид ҚЎҶОРОВ. +7-701-447-37-42.

Сайрам — Мухтабар УСМОНОВА. +7-707-257-97-36.

Тулкибош — Мунира САЪДУЛЛАЕВА. +7-747-144-60-71.

Обуна, реклама ва эълонлар — Зокиржон МҮМИНЖОНОВ. +7-702-278-96-90

Қозоғистон Республикасида тарқатилади.

Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги.

Мулк эгаси – “Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти” масъулияти чекланган биродарлиги.

• Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.  
• Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

МАНЗИЛИМИЗ: 160000, Шимкент шаҳри, Диваев кўчаси, 4-уй,  
4-қават. Телефон: 53-93-17. Телефакс: 53-92-79.  
Бухгалтерия: 39-16-44. +7-747-701-50-55

Электрон почта: janubiy@inbox.ru

Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан  
2020 йил 21 апрелда рўйхатга олинди,  
КЗ34VPY00022503 гувоҳнома берилган.

Нашр курсаткичи – 65466.  
Адади – 10270 нусха.

\*“ERNUR-print” МЧБ босмахонасида чоп этилди,  
Шимкент шаҳри, Т. Алимқулов кўчаси, 22.

Буюртма:  
2424.

Навбатчи муҳаррир: Наргиза МАВЛОНОВА.